

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (11.161)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

Кеча сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан кадрлар малякасани ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курсида фаол хотин-қизлар иштирок этишмоқда.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорликларида ташкил этилган «Дилема» баҳс-мунозара клубининг форуми Ёшлар йилига бағишланди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** спорт ва мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган расмлар кўриқ-танлови «Дунё болалар нигоҳида» деб номланди.

● **КЕЧА** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқувчилар иштирокида «Таълим тизимига янги педагогик технологияларни жорий қилиш: муаммолар, тажриба ва истиқболлар» мавзuida илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Соғлом ақл — соғлом ҳаёт» мавзuida ёшлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати Ёшлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Республика Гематология ва қон қуйиш институтида ўтказилган «Донорлар куни» акцияси Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг туман Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** Абдор Хидоят номидаги ўзбек Давлат драма театрида санъаткорлар, театр санъати ихлосмандлари иштирокида уюштирилган ижодий кеча «Санъатим—саодатим» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



БУЮК ИЛМ ВА МАЪРИФАТ ДАРГОҲИ

«ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН «МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОР ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АЙНАН 9 АПРЕЛИДА — БУЮК СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД КУНИДА ИМЗОЛАНГНИ ЗАМИРИДА КАТТА МАЪНО МУЖАССАМ.

Бунда, таъбир жоиз бўлса, шавкатли аждодларимизнинг ўчмас хотирасига ҳурмат, Темур ва темурийлардан мерос юксак кадрларимизга чуқур эҳтиром намойиш. Зотан, Соҳибқирон бобомиз замонида маданият, илму фан, меъморлик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топган, халқимизнинг

қўллаб-аънаналари тақомилига етган. Президентимизнинг номи қайд этилган қарори Юртбошимиз бундан саккиз йил аввал қабул қилган «Тошкент Давлат университетида «Ўзбекистон Миллий университети» мактабини бериш тўғрисида» ги фармонининг мантқий давоми бўлди. Чунки айнан ўша фармон асосида ушбу

қўтлуғ таълим даргоҳининг нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Марказий Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизими шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда, унга Миллий университет мактаби берилиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, деб атала бошланди.

(Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТДА «ҲАР БИР ФАРЗАНДА — МЕҲР, ЭЪТИБОР!» МАВЗУИДАГИ ЁШЛАР ФОРУМИ ИШ БОШЛАДИ.

«ҲАР БИР ФАРЗАНДА — МЕҲР, ЭЪТИБОР!»

Тадбир «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Форумда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги Конунга бағишлаб мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика кўриқ-танлови гойиблари, Меҳрибонлик уйлари ва тарбияланувчилари иштирок этишмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ф. Шоумаров, пойтахтимиздаги 50-мактаб директори С. Герасимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган иш-хотлар ёшларимизни хар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсадга хиз-

мат қилаётганини таъкидладилар. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбия топган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли ҳамда мураккаб вазифаларни адо этишга қодир авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар қўламининг тобора кенгайишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Икки кун давом этадиган форумда иштирокчилар ёшларга оид давлат сиёсати, бу борада қабул қилинган ҳуқуқий-меъририй ҳужжатлар, ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилётган ғамхўрлик ва эътиборга оид ишлар қўлами, мазмун-моҳияти, аҳамияти билан атрофчила танишадилар.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Иномова ва Р. Қосимов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БУЮК БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

БУЮК БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тадбир мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси ҳамда Таши ишлар ва Британия ҳамдўстлиги бўйича консерватив кенгаш ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Буюк Британиянинг консерватив партияси аъзолари, ушбу мамлакатнинг расмий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсати» мавзuida брифинг ҳам ўтказилди.

Тақдимот давомида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ютуқлари ва бой маданий-тарихий мероси, Ўзбекистонда «Ёшлар йили» да белгиланган вазифалар, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи олдидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, Орол денгизи ва минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари тўғрисидаги туркум шарҳлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида хикоя қилувчи ранг-баранг фотосуратларнинг мультимедиа намойиши бўлиб ўтди.

Тадбир давомида тарқатилган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг маърузалари, турли китоблар, журналлар, пресс-релизлар, рисоалар, компакт-дисклар, сайёҳлик буклетлари, шунингдек республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини хар томонлама ёритиб берувчи бошқа материаллар меҳмонларда айнакка, катта қизиқиш уйғотди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари, экспорт ва импорт тузилмалари, транспорт-коммуникация йўналишларининг диверсификацияси, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, диний муассасалар фаолияти, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича Ўзбекистоннинг мавқеи, ядро қуроллини тарқатмаслик ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш истиқболлари каби масалалар ҳусусида атрофчила сўз юритилди.

Музокара иштирокчилари Ўзбекистон бой тарих ва қўна маданиятига, шунингдек, юксак интеллектуал салоҳиятга эга давлат эканини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистонда замонавий самолётлар, автомобиллар ва кенг турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон берувчи ҳамда хорижий мамлакатлар билан транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантиришга хизмат қилувчи бошқа саноат базиси мавжуд эканига эътибор қаратилди.

Буюк Британия вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ишхотларни, жумладан, ўлим ҳазинининг беқор қилингани ва «Хабас корпус» институтининг жорий этилаётганини ижобий баҳоладилар.

Лондондаги тадбир иштирокчилари Марказий Осиё хавфсизлиги ва барқарорлигига беэвосита таъсир этаётган Афғонистондаги нотинч вазиятнинг барча мураккаблигини чуқур англаш нечоғли долзарб эканини таъкидладилар. Британиялик мутахассислар бу муҳим халқаро муаммо юзасидан Ўзбекистон томони илгари сураётган фикр-мулоҳазаларни инobatта олиш зарурлигини қайд этдилар.

«Жаҳон» АА,
Лондон шаҳри

ЖАҲОНДА

● Кеча Грузияда мустақиллик куни байрами кенг нишонланди. Байрам муносабати билан Тбилисда ҳарбий парад ҳам ўтказилди. Таъкидлаш керакки, шу куни бирлашган муҳолифат ҳам ўз норозилик намойишини ташкил этди.

● Утган куни Ливанда ўтказилган президентлик сайловида голиб чиққан Мишель Сулаймон Эрон Президенти Махмуд Ахмдинажотни Ливанга тақлиф этди.

● АҚШнинг марказий штатларида кучли торнадо кузатилмоқда. Кучли шамол 8 кишининг ҳаётига зомин бўлди, Айова штатидаги хавфсизлик хизмати вакиллари тўфон оқибатида 50 дан ошмиқ аҳоли турли жароҳатлар олиб, касалхонага ётқизилганини билдирди. Шунингдек, 20 киши бедарак йўқолган.

● Зимбабве Президенти Роберт Мугабе мамлакатдаги АҚШ элчиси Жеймс МакГини ўз юртига қайтариб юбориши мумкин. Гап шундаки, Мугабе элчининг иш фаолиятидан норози. Унинг сўзларига қараганда, МакГини ўз вазифасини бажармай, мамлакатнинг ички ишларига аралашмоқда.

● «Саккизлик» давлатлари 2050 йилгача саноат чиқиндиларини камида икки баробар камайитириш масаласини кўриб чиқади. 7-9 июль кунлари Япониянинг Хоккайдо оролида ўтказилаётган саммити олдидан давлатлар қабул қилган резолюция шунинг назарда тутди.

● Кеча Москвадаги «Домодедово» аэропорти ёнида 7 килограмм 457 грамм микдорда героин гивандлик моддаси бўлган киши қўлга олинди. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

● НАСАнинг «Феникс» илмий-тадқиқот аппарати Марсга қўниб, ушбу сайёранинг юза қисмини акс эттирувчи дастлабки фотосуратлари Ерга жўнатди.

● Белград шаҳрида қўшиқчилар ўртасида ўтказилган аънавий машхур «Евровидение» фестивалида илк бор Россия вакили Дмитрий Билан голиб чиқиб, бош соvrин — «Биллур микрофон» билан тақдирланди.

● Непаллик 47 ёшли альпинист Ана Шерпа 18-март дунёдаги энг баланд Эверест чўққисини забт этиб, навбатдаги жаҳон рекордини янгилади.

● Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ҳукумат тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашув рўй берди. Тўқнашув натижасида 18 киши жароҳатланди, ўнлаб намойишчилар ҳибсга олинди.

2008 — Ёшлар йили

ЁШЛИК ВА НАҲОСАТ БАЙРАМИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИДА «ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ — 2008» ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ.

Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ўз иқтидорини ва салоҳиятини намойиш этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишхотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ёшлар йилида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

«Талабалар баҳори — 2008» ёшлар фестивалидан қўланган мақсад ҳам навқирон авлод вакиллариининг ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдодини намойиш этиши ва тенгдошлари билан ўзаро фикр алмашиши учун янада кенгрок имкон яратишдан иборатдир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Келажак овози» ёшлар та-

маърузалари тингланади.

Фестиваль доирасида «Спорт — тинчлик ва дўстлик элчиси» широри остида марфон, «Кувноқлар ва зукколар» кўриқ-танлови бўлиб ўтади.

— Ёшлар иштирокидаги қўллаб-танлов ва спорт мусобақаларида қатнашганман, лекин талабалар фестивалининг завқу шуқуҳи ўзгача экан, — дейди Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Қобил Ғойипов. — Тенгдошларимиз билан ўзаро фикр алмашиш, уларнинг янги ғоя ва ташаббуслари билан танишиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида «Талабалар баҳори — 2008» ёшлар фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Жаҳжи болажонларнинг рақслари, спортчи-ёшларининг кўرғазмали чиқишлари, ёшлик, Ватанга муҳаббат тарануми этилган куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Фестивалнинг очилиши маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Ҳ. Барноев иштирок этди.

Ҳ. ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

ТАРИХАН ҚИСКА ДАВР ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛ ДЕМОКРАТИК ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА САЛМОҚЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ МУМКИНКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ ҚАРИМОВНИНГ ҒОЯЛАРИ ВА БЕВОСИТА ТАШАББУСИ АСОСИДА ҲАМДА РАҲБАРЛИГИДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларида алоҳида ўрин ажратилган эди.

2001 йил 29 августда "Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган мазкур Қонуннинг мунобағасиз ғоят катта аҳамияти ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, қатор илмий ишлар қилинган, конференциялар ва учрашувлар ўтказилган. Бундан мақсад – қонунни қабул қилишда айрим ҳуқуқшуносларнинг жинорий жазолар либераллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда жиноятларнинг сонини кескин ошириб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларнинг ўринсиз ва асосизлигини аққол кўрсатишдан иборат эди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан охириги беш йил давомида мамлакатимизда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони йилга ўртача 18 мингташи ташкил қилди. Айни пайтда, биргина 2000 йилда бундай жиноятлар сони 42 фоизга кўп, яъни 31 мингтадан иборат бўлган.

Ярашув институти қоидаларини қўллаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2002-2007 йиллар мобайнида жабранувчи билан ярашганлиги муносабати билан 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахслар жинорий жавобгарликдан озод қилинган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. Жинорий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар иккинчи айбланувчи дастлабки тергов даврида қамоққа олиниб, судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган. Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарини тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни мумкин эмаслиги ҳақидаги талабини тушунириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар зарарини қоплатиш даражасининг жиддий ошишига имкон берди. Охириги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қоплатиши таъминланган.

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жинорий жазолар тизимини янада энгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августда имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августда имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг мантқий давоми бўлди.

Мазкур фармонлар асосида "Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунириш ишларини амалга оширишга анча узок муддат ажратилди. Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кенг тушунириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақиқат билан савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлапти, қутилган натижаларга эришилдики-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳажмида ишломда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чорагида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3.272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа

олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоққа сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимоснома қаноатландирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бундан қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаноатландиришга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳоллар.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Аксинча, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши бунинг аққол исботидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгаришлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узокроқ муддат давомида тергов

ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ХУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша иш кўзга тутилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асосиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги кўзга тутилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши кўзга тутилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларни, жиноят ишининг бир қисмини материал тарихида ажратиш йўли билан ҳисобдан яшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунослар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида қўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суиқасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгаришлар жинорий жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан буён шундай қилиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик ғояларига содиқлигини яна бир ёқин ифодасидир.

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жинорий қилиниши ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи қамроқ бўлишига қарамастан, айбдорларга нисбатан асосиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётинан тугалланмаган жиноятлар учун максимал жазо тайинлаш имконияти чиқариб ташланди.

2008 йил Ешлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳуқуқимиз ҳамда Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилатган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охириги йилларда мазкур тоифадаги шахслар

ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали суъсийи, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жинорий жазо чораларини кучайтиришни назарда тутди.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда вояга етмаган шахсини маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгаришлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва

ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Абдуганиевич Қаримов биринчи чакирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётда конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий қафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг қафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбуриятини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг худудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада риояланганлиги, адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъкиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурани сифат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионалиги, компетентлиги, виждонлиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, ҳолос.

Охириги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгаришлар киритилди. Ушбу тузатишлар жазо тарихидаги жинорий жазони мажбурий ишчилик ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбошимчилик билан тарқ этган маҳкумга нисбатан колония турини алмаштириш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгариштириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга вояга етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомонитордан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва Сенатиде тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, ҳўжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибиде кўриб чиқишни белгиловчи ҳўжалик процессуал қонун нормаларини такомиллаштиришга оид ва бошқа қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби — жамият ва давлатни демократлаштириш жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли хусусиятга эгаллидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини энгиллаштиришни, бирор-бир жараёни соддалаштиришни, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг ҳақондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда қафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминлашига олиб келади.

Рашидхон КОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори,
("Халқ сўзи", 2008 йил 27 май)

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИҚ
ДОМО БУЛД...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

УМАР ХАЙЁМ ХИКМАТЛАР

Менинг қайгуларим узундан-узок, Сенинг қувончларинг чексиздир, бироқ, Унга ҳам, бунга ҳам суймади, чунки Ҳамма бу фалак қилар ўйинчок.

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди, Ерга чанг кўнди-ю, кўмилиб кетди. Дунёга келишинг, кетшинг нима? Бир чин тугилди ё ўлиб кетди.

Мен келдим дунё кўрдими фойда? Кетсам мартабаси ошарми? Қайда? Ҳеч ким тушунтириб бера олмади: Келишим-кетишим сабаби қайда?

Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар, Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар. Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий, Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Биз келиб кетувчи тўғарак жаҳон На боши маълуми на сўнги аён. Ҳеч ким ростини айтиб беролмас: Биз қайдан келдик кетуримиз қайдан?

Мисоли бир олтин кўзу бу дунё, Суви гоҳи ширин, ачқидир гоҳо. Шунча умрим бор, деб керилма асло, Эгарлоқдир ажал оти доимо.

Бу замон дўстни кам орттирган маъқул, Аҳли замонадан узокроқ бўлгил. Сунчигинг бўлиб кўринган кимса, Кўзинг очсанг, душман чиқади нуқул.

Ўз эркинда эмас, ахир, эрта кун, Эртанги кўп ўйлаб, бўлма жигархун. Бу дамни бекорга ўтказма асло, Билиб кўй, дунёга бўлмайсан устун.

Ноқасдан сир беркит, тилингни боғла, Аблахдан яширин бўлмоқчи чоғла. Кимлигинг билгани инсонларга бок, Кўзинг кўрганидан қадринг сўроғла.

Муҳаққиқ наздида хуш, бад сурат — бир, Ошиқ манзилида дўзах, жаннат — бир. Бедиллар либоси атласми, палос, Ошиқлар ёстиги пар, гишт, кўкат — бир.

Йўқликдан келгандир бу баҳри вуҷуд, Таҳқиқ дурич ҳеч ким теролмас хушнуд. Ҳар ким ҳар хил сўз дер ўзига монанд, Ҳақиқат сўзини айтмоққа ношуд.

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон, Қўлдан чикармагил бўлмайин шодон. Кандок ўтказурсан — шундоқ ўтар умр, Хушёр бўл, шундайди аслида жаҳон.

Фақат илм билан баландмас одам, Аҳду вафо билан баланд-паст одам. Сўзи билан иши бир келса агар, Ҳар нарсдан баланд, муқаддас одам.

Бир нон топиб, агар есанг икки кун, Сикиз кўзанг бўлса сув ичмоқ учун, Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега, Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун?!

Кимки бу дунёда асири тамиз, Бору йўқ гамида дил тангу ожиз. Яшамай қартайди бундай одамлар, Узум бўлмай, бирдан бўлдилар майиз.

Шод бўлмоқ истасанг, элдан тама уз.

Сенга кўрсатсалар ясоғлиқ олам, Сен севма — севмайди ақли одам. Сендеклар бир талай келди-ю кетди, Сени олмай туриб, олиб қол сен ҳам.

Ахил бўлса олов ичра ҳам инсон, Ахил кишиларга олов ҳам осон. Ноахил кишилар суҳбатидан қоч, Ноахил суҳбати ёмондан-ёмон.

Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраева фарзанди Жасур Жўраевнинг вафоти муносабати билан қўқур таъзия изхор этади.

Санъат

МУСИҚАДА АКС ЭТАР ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲАМКОРЛИҚДА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ, РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ РУСТАМ АБДУЛЛАЕВНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИНИ ЎТҚАЗДИ.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Дилноза Исмияминова, Махфуза Исломова, Гулнар Алжанова, Халқаро танловлар дипломанти Элнора Абдуллаева, Гулбахор Мусабоева, Назира Аҳмедова номидаги Республика хонандалар танлови Гран при соҳибаси Ойгул Фулом, Камила Менлибекова, Дилдора Тўракулова, Абдуғани Рўзиев, Зоҳида Умаровалар ўзларининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан кечанинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминладилар.

Шунингдек, «Сўғдиёна» ўзбек халқ камер оркестри, «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликчи намунавий дамли оркестри, «Бойчечак» болалар хор жамоаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги Ёшлар муסיқали театр хор жамоаси, муסיқали театр симфоник оркестри ҳам Рустам Абдуллаев ижодидан намуналар ва табрик кўшиқларини ижро этиб бердилар.

— Рустам Абдуллаев ўзбек муסיқа санъати равнақида ўзининг серқирра ижоди билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган атоқли бастакордир, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов. — У Ватанимиз муסיқий маданиятининг ривожланиши жараёнига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Кенг муסיқий ва фалсафий фикр юритиш, аниқ мантикий тафаккур, эмоционал жўшқинлик Р. Абдуллаев ижодининг ўзига хос қирраларини ташкил этади.

Муסיқий саҳна асарлари бастакор ижодида муҳим ўрин эгаллайди. «Шодимулк», «Садоқат», «Хива» опералари, «Кўёшга таъзим» балет ораториясида бастакорнинг ушбу жанрларда эришган ютуқлари намоён бўлади. Шунингдек симфоник ижодиётининг асосий қисмини бешта фортепиано концерти ташкил этади. Рустам Абдуллаев ўтмиш ва замондош шоирларнинг шеърларига мурожаат қилган ҳолда ўзининг энг сара вокал асарларини ҳам яратди. 100 дан ортиқ кўшиқ ва романслар, 60 дан ортиқ болалар кўшиқлари шулар жумласидандир. Мухтасар қилиб айтганда, бастакоримиз ҳали-ҳануз изланаяпти, янги-янги куй ва кўшиқлар яратишдан сира чарчамаяпти, истаимизки, унинг серқирра ижоди бундан ҳам равнақ топарсин.

Дарҳақиқат, Рустам Абдуллаев кўп қиррали ижодкор, ўз касбининг устаси. Унинг ҳар бир асари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотади. Муסיқалари нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, Қозоғистон, Украина, Грузия, Швеция, Туркия, Таиланд, Жанубий Корея, АҚШ, Германиядаги концерт дастурлари ва фестивалларда муваффақиятли янграб келмоқда. У ўзининг бор



истеъдоди, куч ва маҳоратини турли миллатга мансуб инсонларнинг мулоқот воситаси бўлган муסיқа оламининг ривожига бахшида этмоқда. Рустам Абдуллаев нафақат ижодкор, балки севимли устоз ҳамдир. 1975 йилдан буён Ўзбекистон Давлат консерваториясида композиция ва чолғулаштириш кафедрасида дарс бериб, ёш иқтидорли кадрларнинг етишиб чиқишида ўз ҳиссасини қўшмоқда. 1995 йилдан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси сифатида Республика ва халқаро миқёсдаги бир қатор танловларнинг ўтказилишига бош-қош бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам ижодкор ҳар доимгидек изланишда, янги ижодий чўққиларни забот этиб касбдошлари ва шоғирдлари хурматини қозониб келмоқда.

Гулчеҳра САТТОР кизи СУРАТДА: Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев

2008 — Ёшлар йили

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШУ ЖУМЛАДАН, САНЪАТ ЙўНАЛИШИ БўЙИЧА ЎЗ ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШГА ИНТИЛУВЧАН, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЖОЙЛАРДА ТАДБИРЛАР БўЛИБ ЎТМОҚДА.



СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАНИМ!

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон сени қуйлайман» санъат фестивалининг иккинчи босқини ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги осуда ҳаёт, тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашга қаратилган, халқ манфаатлари йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тўғри тушуниш, фарзандларимизнинг ўз фикрига эга бўлишига, зарарли иллатлардан

нари бўлиб, ғоямизга зид бўлган оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги чораларини кўрмоқлик муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур тадбир очилишида сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтдилар.

Йилнинг «Ёшлар йили» деб номланиши мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир исботидир. Тадбирда пойтахтимиздаги кўпгина корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ёш ишчи ходимларнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этди. Шу жумладан, Учтепа туманидаги «Мафтуха» хусусий корхонаси ходими Жамшид Ҳамидов, Собир Раҳимов туманидаги «Нур Калкоус» шўъба корхонаси ходимларининг чикишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

ЮЛДУЗ РИЗАЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

“ИЖОДИЙ ПАРВОЗ”: ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ОЧИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШ КИНЕМАТОГРАФЛАРИНИНГ III “ИЖОДИЙ ПАРВОЗ” КИНОФЕСТИВАЛИ БУХОРОДА ЎЗ ИШINI ДАВОМ ЭТТИРДИ.

Маданият ва спорт ишлари вазириликчи, «Ўзбеккино» миллий агентлиги қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир доирасида «Бухоро» кинотеатрида ижодкорлар санъат мухлисари билан учрашди. Унда кинофестиваль ҳакамлар ҳайъати раиси, Россия Федерациясида таъкид қўрсатган санъат арбоби, сценаристлар ва режиссёрлар тайёрлаш олий курси ректори Андрей Герасимов ёш кинематографчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ишларини баҳолаш, минтақа кино соҳасида кечаётган жараён ва тамойилларни таҳлил қилиш ҳамда янги истеъдод эгаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётган мазкур тадбирга йил сайи кизиқиш охири бораётганини таъкидлади.

Дастлабки кинофестивалда 22 картина иштирок этган бўлса, бу гал тақдим қилинган 70 дан зиёд фильмдан сараланган 35 картина фестивалнинг танлов дастурига киритилди. Ёш ижодкорлар, айниқса, бўлажак режиссёр-талабалар яратган картиналарнинг ҳаммаси ҳам катта экранга чиқиши қийин. Танлов доирасида «Орзулар асри» (режиссёр Азамат Эргашев) асари, «Навоий машина-созлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ахборот гуруҳида яратилган «Таклиф» (режиссёр Олег Мамадов) қисқа метражли фильм сингари мавзуга ўзига хос ёндашилган сара картиналар мухлислар ва мутахассислар ҳукмига

ҳавола этилди. Кинофестиваль минтақадаги ёш кинематографлар учун ижодий мактабга айланиб қолмай, улар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, қозоғистонлик режиссёр Лайло Аранишева. — Бухоронинг тарихий обидалари, бу ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари барча мизни ҳайратга солди. Шунга амин бўлдимки, Бухорода декорация учун ҳақражат қилмай, тарихий фильмларни бемалол суратга олиш мумкин. Мен келгусида бу борада ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидаман.

Э. ЭДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — ШУНДАЙ ЯШАШ ТАРЗИКИ, УНДА ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР КўРСАТУВЧИ ЗАРАРЛИ ОМИЛЛАР БўЛМАСЛИГИ, ИНСОН УЛАРДАН ОНГЛИ РАВИШДА ЎЗINI ЧЕТТА ОЛИШИ КЕРАК.

Соғлом турмуш тарзи ёки оқилона яшаш тарзи тушунчалари кенг қамровли бўлиб, ўз ичига инсоннинг туғилишидан бошлаб, умрининг охиригача ақл-фаросат билан яшашни — зарарли одатлардан холи бўлишни, тўғри овқатланиб, тўғри дам ола билиши каби кўплаб бошқа ижобий хислатларни олади. Оқилона турмуш тарзи ҳар бир инсоннинг ақл-фаросати билан яратилади ва ҳар бир киши учун индивидуалдир. Бир кишига фойдали бўлган нарсаси бошқасига зарар келтириши мумкин. Ҳаёт ритми, меҳнат қилиш ва ухлаш давомийлиги, қабул қилинган овқатнинг миқдори ва сифати ҳар бир инсон томонидан ўз эҳтижи ва имкониятига қараб танлаб олиниши зарур. Шунинг учун ҳам саломатлигини инсон ақлининг маъсули деб қараб керак. Инсонни унинг ўз хоҳишига қарши соғлом қилиш ва унга узоқ умр бахшида этиш асло мумкин эмас.

Соғлом турмуш тарзи — бу фаол меҳнат, ижод оғушида яшаш, кучли жисмоний ва руҳий оқоматларни, ўта ҳавфи ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енгиш кўтари оладиган ҳар томонлама тараққий этган шахснинг шаклланиш жараёнидир.

Соғлом турмуш тарзи асослари: — тўғри ва рационал (оқилона) овқатланиш — агар истеъмол қилаётган овқатимизда ва мойлар ортиқча бўлса, қон томирларда атеросклерозга, оқибатда турли юрак ва қон-томир касалликларига олиб келади. Ун ва қанд маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш, қанд касаллиги, артритлар, қабзият ва рақ касаллиқларига, гўшт маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш буйрак касаллиқларига, сабаб бўлади. Овқатлар таркибида минерал тузалар, микроэлементлар ва витаминларнинг етишмаслиги баданда модда алмашинувиининг бузилиши билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради.

— ҳаракатли турмуш ва бадантарбия; — кун ва иш тартибини биологик қонуниятлар асосида ташкил қилиш;

— жинсий тарбия, соғлом оила — оилани ташкил қилиш, жинсий муносабатлар масаласи — бу келгуси авлодлар саломатлиги ҳамда иқтидорини таъминлайдиган насллар қолдириш масаласи билан боғлиқ;

— руҳий осойишталикни таъминлаш — кишининг руҳий ҳолати унинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Руҳиятга таъсир қилувчи омиллар булар асосан ижтимоий муносабатлар, яъни кишиларнинг муомаласи, феъл-атвори, ҳулқи, одоби, маънавияти ва ҳоказо ҳисобланади: — зарарли одатлардан тийилиш — кишини сархуш (караҳт) қилувчи тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, гиевандлик моддаларининг киши соғлиғига, турмушига ва жамиятга зарари бугунги кунда кўпчиликка аён. Лекин шунга қарши курашда жасорат етишмаяпти. Шунинг учун бизнинг соғлиқ йўлида ҳаракатимиз ана шу зарарли одатларни турмушимиздан буткул чиқариб ташлашга қаратилган бўлиши керак.

Жисмоний фаолият — бу энергия сарфланишига олиб келадиган тана ҳаракатидир.

Сиз тез юришингиз, ўйнашингиз, рақсга тушишингиз, уй йиғиштиришингиз ёки зинадан кўтарилишингиз билан саломатлик сари олга ҳаракатланаётган бўласиз. Мунтазам равишда жисмонан шуғулланиш — бу сизнинг соғлигингизни яхшилаш ва мустаҳкамлашнинг энг осон йўлидир.

Болалар ва ёшларнинг тўғри ўсиши ва ривожланиши учун ҳам мунтазам фаол ўйинлар жуда зарур. Бу уларнинг ҳаётга ва ўзига бўлган ишончини орттиради ҳамда зарарли одатлардан химоялайди.

Жисмоний фаолият ёки ҳаракатли машқлар сизга нима беради? — бутун кун давомида сиз яхши кайфиятда, ишда чарчамайдиган бўласиз;

— ишингиз сифатли ва унумли, ижодий фаолиятингиз юқори бўлади;

— тери остига тўпланган ёғлар камайиб, ихчам, эпчил, қаққон бўласиз;

— қон босимингиз муътадиллашади;

— қоннинг таркиби яхшиланади, организмнинг химоя қобилияти ошади. Ҳар қандай жисмоний фаоллик сизга кўтаринкилик бағишлайди.

У. ҒАЙДУЛЛАЕВА, Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали Ахборот-таҳлил бўлими мудири

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қозоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонаси. Корхона мазили: «Буюк Турун» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6